

ЎРТА АСРЛАР ТАФСИР ИЛМИНИНГ МАШХУР ВАКИЛЛАРИ

Комилов Илҳом Иқром Ўғли

*Учтепа тумани “Ҳазрати Али” жомеъ масжиди
имом-ноиб*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўрта асрларда тафсир илми билан шуғулланган машхур муфассирлар ва уларнинг ушбу соҳага оид мўтабар асарлари ҳақида атрофлича маълумот берилади.

Калит сўзлар: муфассир, Доримий, Насафий, тафсир бил-маъсур, тафсир бир-раъй, насх, Мовароуннахр

Маълумки, тафсир ва ҳадис илмлари девон қилинишига қадар уламолар ҳузурида Қуръони карим тафсири билан ҳадис бир нарса эди, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафидан Қуръони карим оятларига берилган изоҳларни бошқа ҳадислар қаторида ривоят қилинар эди. Шу сабабли дастлабки ҳадислар мажмуъаси ёзилганда Қуръони карим оятларининг тафсири ҳадис китобларининг бир боби сифатида ёзилган ва муҳаддис олимлар ҳам муфассирлар қаторида саналган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ат-Тамимий ад-Доримий 798/1396-йилда Самарқандда таваллуд топган муҳаддис бўлиб, тафсир илмида ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган улуғ олимдир. Имом ад-Доримий илм талабида Хуросон, Шом, Ироқ, Миср ва Ҳижоз шаҳарларида бўлган. “Ас-Сихоҳ ас-ситта” муаллифларидан тўрттаси - Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ан-Насайй Имом ад-Доримийдан ҳадис ўрганганлар.¹ Улуғ муҳаддис Имом ад-Доримий 255/869-йилда вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ал-Жуъафий ҳижратнинг 194/810 йили Шаввол ойининг ўн учинчи куни - жума куни Бухорода таваллуд топган.² Ҳижратнинг 256/870-йили Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида Рамазон ойида арафа куни кечаси 62 ёшда вафот этди. У зот имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси саналади. Имом ал-Бухорий илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Миср ва Шом мамлакатларига бориб, у ерлардаги уламолардан бир неча юз минг ҳадисни ёд олади ва шулар асосида “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китобини таълиф этади. Ундан ташқари, “Ал-Жомеъ ал-кабир”, “ал-Муснад ал-кабир”, “Ат-Тарих” каби йигирмадан ортиқ китоблар

¹ Ал-Мунжид. – Байрут: Дор ал-машрик, 1973. – Б. 278.

² Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти “Ал-адаб ал-муфрад” ҳадислар мажмуъасининг муқаддимасида Шамсуддин Бобохонов тарафидан батафсил равишда ёритилган. Қаранг: Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Таржимон ва муқаддима муаллифи Ш. Бобохонов. Т.: Мовароуннахр, 2006. Б. 479.

муаллифидир. “Кашф аз-зунун” китобида берилган маълумотга қараганда, Имом ал-Бухорий Қуръони карим тафсири борасида “Ат-Тафсир ал-кабир” деган номли асар ёзган. Лекин афсуски, унинг бу тафсири бизгача етиб келмаган. Шунга қарамасдан Имом ал-Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китобининг 3-жилдида Қуръони оятларининг тафсири ҳақида мингдан ортиқ ҳадислар ривоят қилган ва Қуръони каримнинг қисқача тафсирини мазкур китобга жойлаган.

Иккинчи ҳижрий йилгача Қуръони тафсири ҳадис билан бирга эди. Бу вақтдаги тафсирлар фақат ҳадислар орқали ривоят асосида баён бўлиб, улар “Тафсир бил-маъсур” деб номланган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китобининг 3-жилд 149-саҳифасидан: “Бисмиллаҳир роҳманир раҳим. Қуръони тафсири китоби” деб бошланган. Ҳар бир боб: “Аллоҳ таолонинг сўзи” жумласи билан бошланиб, шу оятга муносиб ҳадислар ривоят қилинган ва 384-бетда “Дилингизни бир жойга йиғиб, Қуръон ўқингиз!” деган боб билан якунланган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” нинг 3-жилдидаги Қуръон тафсири китоби ушбу китоб муаллифи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган³.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн Аз-Заҳҳок ас-Суламий ат-Термизий 209/824-йилда Термизда таваллуд топган.⁴ Имом Термизий Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ ҳадисларини жамлаш мақсадида Хуросон, Ироқ ва Ҳижознинг жуда кўп шаҳарларини кезади, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон, Саъид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар, Суфён ибн Вакиъ ва Имом ал-Бухорийлардан ҳадис ўрганади, ўнлаб шогирдларга билганларини ўргатади ва бу меҳнати ва чуқур илмининг маҳсули сифатида “Китоб ал-Асмо вал-Куно” (Исм ва кунялар китоби), “Аш-Шамоил ан-набавия” (Набавий шамоил), “Ат-Таворих” (Саналар), “Ал-Илал” (Иллатлар) ва “Китоб аз-Зухд” (Зоҳидлик китоби) китобларини таълиф этади. Имом ал-Бухорийдек муҳаддислар султони ҳам ўзининг “Ас-Саҳиҳ”ида Имом ат-Термизийдан ҳадислар ривоят қилишининг ўзи у зотнинг нақадар улуғлиги ва ишончли муҳаддис эканига далолат қилади. Ат-Термизий 892 (279 х.) йилда Термизда вафот этади⁵.

Абу Исо ат-Термизий ҳам ўзининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) ёки “Ас-Сунан” (“Суннатлар”) номли асарида “Китоб фазоил ал-Қуръон” (Қуръон фазилатлари китоби), “Китоб ал-қироот” (Қироат китоби) ва “Китоб тафсир ал-Қуръон” (Қуръон тафсири китоби) номли бобларни келтириб, унда тафсирга алоқадор ривоятларни баён қилган.

³ Ҳадис. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1995. 3-жилд. Б. 558

⁴ Ал-Мунжид. Б. 186.

⁵ Муҳаммад Абу Заҳу. Ал-ҳадис вал-муҳаддисун, 1984. х. 1404. Ар-риёз. – Б. 361.

Айниқса, асарнинг “Китоб тафсир ал-Қуръон” (Қуръон тафсири китоби) бобида Қуръоннинг барча суралари анъанавий тартибда “Фотиҳа” сурасидан “Ан-Нос” сурасигача берилган ва уларнинг фазилатлари ҳақидаги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан келтирилган. Ат-Термизийнинг ушбу китоби “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам) номи билан 1995 йилда Байрутнинг “Дор ихё ат-турос ал-арабий” нашриётида беш жилдли қилиб нашр этилган. Асарнинг биринчи жилди Мирзо Кенжабек томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1999 йил Тошкентда “Адолат” нашриётида чоп этилган.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Мотуридий Самарқандий ҳижрий сананинг 233/848-240/854-йиллар орасида Самарқанднинг Мотрид қишлоғида таваллуд топган. Мусулмонлар орасида “Имом ал-ҳуда, мусаҳҳих ақийдат ал-муслимийн” (“Ҳидоят имоми, мусулмонлар ақидасини тўғирловчи”) номлари билан машҳур, суннийлик йўналишининг мотуридия мактаби асосчиси ва буюк мутакаллимдир.

Мотуридий ўзининг тафсири “Китоб таъвилот аҳлис-сунна” (“Аҳли сунна таъкиллари китоби”) ёки “Китоб таъвилот ал-Қуръон”⁶ (“Қуръон таъвилотлари китобт”) номли тафсирида илми калом уламолари йўлидан борган ва Қуръони каримни ақидада аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қувватлаб тафсир қилган. Унинг асари Мовароуннаҳрда илк яратилган тафсир асарларидандир.

Мотуридийнинг тафсири ундан аввалги тафсирлардан услуби билан фарқ қилади. Масалан, бошқа тафсирларда муфассир томонидан оятнинг мазмуни баён этилиб, ундан сўнг баъзи қисқа ривоятлар келтириш билан кифояланган, танқидий ва таҳлилий фикрлар билдирилмаган бўлса, Мотуридий ҳар бир оятни оятлар, ҳадислар ва саҳобийлар, тобеъийларнинг сўзлари билан шарҳлашга, ақлни ишлатиб, оятларни таъвил қилишга эътибор беради. Лекин у раъй ва ижтиҳоддан истифода этганда, Қуръон ва ҳадисга суянган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради. Умуман олганда, Мотуридийнинг тафсир қилишдаги янгича услуби шуки, у ақлий далил билан нақлий далилни уйғунлаштириб келтириши, Қуръонга қилинган турли шарҳларни қиёслаб охирида ўз фикрини ёки муфассирлар фикрларидан бирини устун кўришидадир.

Мотуридий тафсир билан таъвилни ҳам ўзига хос таъриф қилган. У шундай дейди: “Тафсир саҳобалар учун, таъвил эса фақиҳлар учундир. Зеро, саҳобалар ваҳийнинг тушишига шоҳид бўлган кишилар бўлиб, уларнинг сўзлари Қуръонни ўзича тафсир қилиш эмас, кўрган ва билганини баён қилишдир. Саҳобалардан кейинги замон олимларининг сўзларини тафсир деб бўлмайди, зеро, улар қандай фикр билдирсалар ҳам, кўрганларини эмас, ақллари етганини сўзлайдилар. Бу

⁶ Ал-Мотуридийнинг ушбу тафсири қўлёзмалари “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан Туркия, Германия, Дамашқ, Мадинаи Мунаввара ва Британия музейида мавжуддир. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Таъвилот аҳли сунна” номи билан 5126-рақам остида сақланмоқда.

ўзбошимчалик бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимки, Қуръонни ўзбошимчалик билан тафсир қилса, у ўзига дўзахдан жой тайёрлаб қўйгандир”, - деган. Демак, саҳобалардан бошқа кишилар Қуръон маъноларини тушунтирсалар, уни тафсир эмас, таъвил деб аташ мумкин. Таъвилда тўғри йўл тутган одам икки савобга, хатога йўл қўйган одам бир савобга эга бўлади”⁷.

Абул Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий ал-фақиҳ ал-ҳанафий “Имом ал-ҳуда” лақаби билан машҳурдир⁸. Унинг туғилган йили маълум эмас. Вафотини олимлар 373/854 ёки 375/856-йил деб айтадилар. Абул Лайс фикҳ илмини Абу Жаъфар ал-Ҳиндувонийдан олган. Абул Лайснинг энг яхши асарларидан “Баҳр ал-улум” (“Илмлар денгизи”) номли тафсири, фикҳ соҳасида ёзилган “Ан-Навозил” (“Ҳодисалар”), “Хизонат ал-фикҳ” (“Фикҳ хазинаси”), ҳадислар мажмуасидан иборат бўлган “Танбиҳ ал-ғофилин” (“Ғофилларга танбех”) ва “Бўстон ал-орифин” (“Орифлар бўстони”) китоблари эл орасида маълум ва машҳурдир.

Абул Лайснинг тафсири том маънодаги нақлий тафсирдир. Ҳар оятнинг тафсирида саҳобалар ва тобеъийлар ривоятларидан кенг фойдаланган, бироқ ровийлар санади тарк этилган. Камдан-кам ҳадисларда ровийлар санади учрайди. Шу билан бирга, олимларнинг гаплари ва ривоятлардаги ихтилофларга ҳеч қандай муносабат билдирмайди.

Баъзи жойларда луғатга биров изох беради, оятни оятлар билан шарҳлайди, шу билан бирга, исроилий ривоятларни ҳам келтириб, уларнинг ростлигини ҳам, нотўғрилигини ҳам айтмайди. Ривоятларда “баъзилар айтганлар” иборасини кўп келтиради, аммо ўша “баъзилар” кимлар эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Қалбий, Суддий сингари ишончсиз ровийлардан ҳадис ривоят қилган. Аммо оятлардаги баъзи мушкулликларни яхши очиб берган ва таноқузларга⁹ тўхталиб, уларнинг сабабларини кўрсатган ва равшанлаштириб берган.

Муфассир ўз тафсирида нақлий тафсирдан фойдаланиш билан бирга, ақлий жиҳатини ҳам тарк этмаган. Умуман олганда, китоб жуда қимматли, фойдали, нақлий ва ақлий мазмунларни ўзида мужассам этган бебаҳо асардир.

Замахшарий Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Хоразмий Имом Ҳанафий Мўътазилий 467/1075-йилда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган бўлиб, лақаби “Жоруллоҳ”дир¹⁰. Унинг биринчи устози замонасининг илмли кишиларидан саналган ўз отаси бўлган. Кейинчалик у илм

⁷ Ал-Мотуридий. Таъвилот аҳлис-Сунна. – Б. 349.

⁸ Абул Лайс Самарқандийнинг “Баҳр ал-улум” номли тафсири устида Тошкент ислом университети илмий ходими, т.ф.н. А. Абдуллаев томонидан илмий мавзуда тадқиқотлар олиб борилгани ва муфассирнинг таржимаи ҳоли мустақиллик даврида унинг ўзбек тилида босилиб чиққан асарларида берилганини назарда тутиб, бу ерда батафсил тўхталмадик.

⁹ Таноқуз – оятларнинг маънолари орасидаги зиддият.

¹⁰ Аз-Замахшарий Маккага сафар қилган. Каъбага яқин жойда бир неча йил истиқомат қилгани учун “Жоруллоҳ” (Аллоҳнинг қўшниси) лақаби билан машҳур бўлган.

даражасини Бухорода оширган, Бағдодга келиб, буюк устозлар ҳузурида таълим олган. Хуросонга бир неча марта борган. Қаерга бормасин, атрофига одамлар йиғилиб, унга шогирд бўлишган. Ким била мунозара қилмасин, у таслим бўлиб, Замахшарийнинг илмини эътироф этган. Шундай қилиб, унинг овозаси бутун оламга ёйилди ва замонасининг ягона алломасига айланди.

Замахшарийнинг турли илм соҳаларида ўта ҳассослик билан таълиф этган асарлари бор. Уларнинг биринчиси “Ал-Кашшоф” (“Очиб берувчи”) тафсиридир. Алломанинг наҳв ҳақида “Ал-Мужоҳот”, “Ал-Муфассал”, араб тилида “Ал-муфрад вал-мураккаб” (“Якка ва бириккан лафз”), ҳадис тафсирида “Ал-Фоиқ” (“Қатта”), луғатда “Асосул-балоға”) “Балоғат асослари”), фикҳда эса “Руусул-масоил” номли китоблари мавжуд.

“Ал-Кашшоф” гарчи эътизолий ақидага мувофиқ ёзилган бўлса ҳам, бундан қатъий назар жуда юқори қимматга эга бўлган тафсирдир. Қуръони каримнинг мўъжизлик сири, назмининг гўзаллиги ва балоғатдаги юксак даражаси муаллиф томонидан очиб берилган. Бунинг сабаби Замахшарийнинг жуда кўп илм соҳаларини, хусусан араб луғатининг жозибакорлиги, ашъорлар, балоат, баён, эъроб, адаб илмларини мукамал билганлигидир. Замахшарий оятлардаги жозибани дарҳол илғаб оларди. Ўзининг бундай фазилат эгаси эканлигига “Ал-Кашшоф”нинг муқаддимасида ишора этади: “Илмларнинг энг нозиги, ҳар қандай ақлни ҳайрон қиладиган тафсир илми бўлиб, унга ҳар қандай олим журъат қилавермайди. Жоҳиз “Назмул Қуръон” китобида ёзганидек, Фақиҳ агар ҳукм ва фатвода барча тенгдошларидан ғолиб бўлса ҳам, мутакаллим гарчи калом санъатида аҳли дунёларни лол этса ҳам, тарихчи ва ҳофиз Қиррийянинг ўғли¹¹дан зеҳни ўткирроқ, воъиз агар Ҳасан Басрийдан гапдонроқ, Наҳвий агар Сибавайҳдан билимдонроқ бўлса ҳам, луғат олими луғатларни сақичдек чайнаб ташласа ҳам, аммо улар Қуръон йўли олдида ожиз, ҳақиқатини идрок этишдан гунгдир. Аммо Қуръонга хос бўлган икки илм: маъоний ва баёнда ўткир имл соҳиби бўлган одам бу ишни уддасидан чиқиши мумкин”¹².

Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий Ҳанафий мутааххир зоҳидлардан ва мўътабар имомлардан биридир. Унинг беназир фақиҳ ва ҳадис ҳамда Қуръон илмларида моҳир бўлгани китобларда зикр этилган. Кўпчилик олимлар сингари Насафий ҳам фикҳ ва усул ал-фикҳ илмларида асарлар ёзган. У тасниф этган китоблар орасида фаръий масалаларга доир “Матн ал-вофий” (“Вофийнинг матни”) ва унинг шарҳи “Ал-Кофий” (“Кифоя қилгувчи”), фикҳ ҳақидаги “Канз ад-дақоик” (“Дақиқ (масалалар) хазинаси”), усули фикҳ борасида “Манор ал-анвор” (“Нурлар манбаси”), усул ад-динни

¹¹ Унинг исми Айюб, араб суҳандонларидан бири. Қиррия эса унинг онаси.

¹² Аз-Замахшарий “Ал-Кашшоф”. 1ж. 12-15-б.

ёритган “Ал-Умда” (“Асос”) китоблари ва “Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” (“Танзил(Қуръон)ни англаш ва таъвил ҳақиқатлари”) номли тафсири энг муҳим ва мўътабар асарларидир. Унинг тафсири уламолар орасида машҳур ва қўлма-қўл бўлиб ўрганилади. Насафийдан унинг шогирди Шамс ал-аимма ал-Кудрий фикҳ илмини, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Итобий эса ривоят-ҳадис илмини ўрганган. У 710/1310 йилда вафот этган ва Бакристоннинг Айзаж шаҳрида дафн этилган. Насафийнинг “Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” (“Танзил(Қуръон)ни англаш ва таъвил ҳақиқатлари”) номли тафсири Байзовий ва Замахшарийнинг тафсирларидан қисқартириб олинган. Лекин муаллиф “Кашшоф”даги мўътазила эътиқодига мувофиқ масалаларни чиқариб ташлаб, уларни “аҳли сунна” эътиқодига мос равишда ёзган. Бу тафсир ўртача ҳажмда бўлиб, унда қироатлар, эъроб йўналишлари билан бирга, “Кашшоф”даги лингвистик ўринлар, гўзал иборалар, нозик маъноларни кашф қилиш каби фазилатлари жамланган. Тафсирнинг услуби “Кашшоф”дагидек савол-жавоб услубидадир. Бироқ унда “агар ундай сўралса, бундай жавоб берилади” кабилида эмас, оятнинг тафсири асносида гўё яширин савол пайдо бўлган-у, ёзилаётган тафсир унга жавоб бўлаётгандек услуб танланган. Шунингдек, “Кашшоф” муаллифи сингари бу тафсирда ҳар бир суранинг охирида, унинг фазилатини билдирувчи мавзуъ ҳадислардан фойдаланилмаган.

Муаллиф ўз тафсирида мутавотир етти қироат ва уларнинг қурролари ҳақида батафсил баён қилган. Шунингдек, фикҳга оид оятларнинг тафсирида ҳам ҳанафий мазҳаб нуқтаи назаридан ҳукмлар чиқариб, бошқа мазҳаблар ҳукмларига раддиялар берган. Аммо исроилиётлар масаласига келсак, улардан жуда кам фойдаланган. Баъзисига ўз муносабатини билдирган, баъзисига эса йўқ. Насафийнинг мазкур тафсири тўрт жилдда нашр этилган ва ҳозирда у уламолар орасида қўлма-қўл юради. Аллоҳ таоло муаллифнинг бошқа асарларидек, бу тафсирни ҳам одамларга нофеъ қилган бўлсин.